

БЕШ ТАШАББУС БИРЛАШТИРГАН ЗУККО ЁШЛАР - ФАХРИМИЗ



Бугун, 5-ноябрь куни 56-ИДУМ да Сурхондарё вилояти ХТБ бошлиғи ўринбосари З.Ўтаев, туман ИИБ бошлиғи Ў. Шукуров, туман Прокурори ёрдамчиси, туман ХТБ мудир А. Ҳакимов, туман ХТБ ходими Р. Райимов ва тумандаги умумтаълим мактаблари директорлари ва мактаб жамоаси иштирокида "5 ташаббус фестиваллари 2022" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Ушбу танловда 56-мактабнинг "Ёшлар театр студиялари" аъзолари "5 ташаббус санъат билан" шиори остида ўтказилган Республика танловида фахрли 1-ўринни қўлга киритганлиги учун овоз кучайтиргич (калонка), устун, микрофони ҳамда Noutbook" билан "5 ташаббус китоб билан" шиори остида ўтказилган танловда фахрли 2-ўринни эгаллаганлиги учун 530 дона бадий адабиётлар жамланмаси билан тақдирланди. Танловда иштирок этган ўқувчиларнинг ота-оналарига туман ХТБ томонидан Ташаккурномалар топширилди.